



"Адабиётнинг виждони", "сўз заргари" деган номлар олган улуг адиб Абдулла Каххор совет даврида яшаб, совет мактаби, университети таълимини олиб ижодкор бўлиб етишди.

Сир эмас, у ўз сафдошлари каби хукмрон мафкура, коммунистик сиёсат таъсири ва тазйики остида ижод килишга мажбур бўлган. Хатто айрим асарларини дахриёна руҳда ёзган. Биз адибнинг охириги ҳолатларини ҳисобга олиб, Яратгандан унинг ҳақкига мағфират сўраймиз.

Шахсан ўзим бу аломат зот назарига тушиб, саккиз йил давомида унинг шаҳардаги уйи, Дўрмондаги бог ховлисида дўстлар даврасида суҳбатларини олиш шарафига муяссар бўлганман, кўпдан-кўп фазилятлари катори, илк устози Мухаммаджон кори ибораси билан айтганда, "бир мусулмоннинг фарзанди" сифатида бу улуг зот калбининг туб-тубида исломий эътикод яширин яшаганига иқрор бўлганман.

Адибнинг совет ҳукуматининг атеистик сиёсати хусусида истехзо билан айтган гапларини кўп эшитганман. Бир галги учрашувимиз хайит кунига тўғри келиб қолди. — Тонг чоғи машинада Дўрмон атрофи кишлоқларни айланиб чиқдим, — дея сўз бошлади у. — Ҳар йилгидек, барча мачитлар эшиги олдида район активлари, милиционерлар саф тортиб туришибди. Кўлтигига жойнамоз кистирган одамлар кўчаларда тўда-тўда бўлиб, ини бузилган чумолилардек сарсон-саргардон кезиб юришибди. Биламан, улар барибир дала шийпонигами ёки деворларига атеистик шиорлар ёпиштириб ташланган клубгами кириб албатта хайит намозини ўқишади. Ҳукуматнинг ишига хайрон қоласан киши, бу қилмиши билан неча минглаб одамлар кўнглида ўзига нафрат уйғотади. Одамлар ярим соат мачитда тўпланиб тинчгина намозини ўқиб олса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку, ахир!

У ёғини суриштирсангиз, Абдулла Каххор совет даврида Абдулла Кодирийнинг "Обид кетмон"идан кейин диндорларнинг бетакрор, ёкимтой образини яратган. Лутф, ҳазил-мутойиба, енгил киноялар билан йўғрилган "Синчалак"даги такводор, бир оз мутаассиб, аммо ниҳоятда ҳалол, ишбилармон, тадбиркор Хамидулланинг юмористик тимсоли ўша давр адабиётида муҳим ҳодиса бўлган эди.

Ёзувчи ижодининг якуни ва чўккиси саналмиш "Ўтмишдан эртақлар"нинг энг нурли саҳифалари устозига бағишланган "Мухаммаджон кори" бобидир. Бўлгуси адиб болалигида бу очик фикрли одам кўлида янғича — жадид усулида савод чиқаради, Қуръони қаримнинг охириги икки порасини ёд олади, жадид маърифатчилари

дарсликларидан сабоқ чиқаради. Бир умрга бу илк устозига эхтиромини саклаб қолади. Умрининг сўнги дакикаларида мана шу табаррук зот билан ҳаёлан мулоқотда бўлади. Абдулла Каххорнинг сўнги кунлари, Москва касалхонасидаги видолашув дакикилари адибнинг умр йўлдоши Кибриё опанинг "Чорак аср ҳамнафас" китобида, Шухратнинг "Устознинг сўнги кунлари" хотира-мақоласида анча батафсил ҳикоя қилинган. Жумладан, Шухрат ўша мақоласида касалхонада устоз билан мулоқотлари тафсилотларини қаламга олар экан, улардан мана бундай хулосага келади:

"У ҳаётда қандай мардонавор яшаган, ижод этган бўлса, ана шундай матонат билан сўнги нафасигача ҳаёт кечирди. Унинг ўлимини эсласам: "Ҳаёт билан видолашишнинг ўзи бир санъат экан. Бунга ҳам матонат ва ирода керак экан", деган ҳаёлга бораман". Шухрат ака Абдулла ака билан ўша учрашувдаги ҳамма гапни ёзади-ю, лекин энг асосий нукта — фақат унинг қулогигагина айтган васияти ҳақида ҳеч нарса демайди. Бу ҳақда кейинрок.

Энди Кибриё опадан эшитайлик. Ажал яқинлашаётганини сезган адиб Кибриё опадан Тошкентдан шоир Шухратни чақиртириб қелишни илтимос қилади. "Ҳар ҳолда соҳига оқ тушган, удумларимизни, мусулмончилиқни яхши билади, ота-онасини қўнган бу одамга айтадиган зарур гапларим бор", деб туриб олади. Кибриё опа негадир, ўзи айтмоқчи, умрида биринчи мартаба Абдулла Каххорнинг бу хоҳишини бажо келтирмайди. Сўнги адиб Ўзбекистоннинг Москвадаги вакили Қосим Раҳимовни ҳузурига чақириб, "Зудлик билан менга Тошкентдан шоир Шухратни чақиртириб беринг. Мен айтадиган гапларимни айтиб, хотиржам бўлишим керак", дея илтижо қилади. Вақил бу илтимосни бажо келтиради. Давоми опанинг ёзувларида:

"24 май куни эрталаб касалхонага қадрдон дўстлари Қонстантин Симонов келди--- Қонстантин Симонов кетганидан кейин қўп фурсат ўтмай, шоир Шухрат етиб келди. Абдулла Каххор ўша куниёқ айтадиган гапларини айтиб, васиятларини қилдилар ва ҳудди елкаларидан тоғ ағдарилгандек, бирдан хотиржам бўлиб қолдилар". Ҳўш, бу васият нимадан иборат эди? Кибриё опа ҳам бу ҳусусда лом-лим демайди. Кибриё опанинг шу сўзлари битилган китоби ҳам, Шухратнинг хотира мақоласи ҳам қирган "Абдулла Каххор қамондошлари хотирасида" тўплами совет даврида — 1987 йили чиққан. У кезлари Абдулла Каххор васиятини ошқор қилиш имқони йўқ эди. Ҳатто адиб васиятини Кибриё опадан ҳам қизганиб, у қонадан ташқарига қикқанида айтган. Мен уни Шухрат ақанинг ўз оғзидан тақрор-тақрор эштанман. Мана, Абдулла Каххорнинг қулогимда қолган ўша сўзлари:

"Пайғамбар ёшини яшадим... Тақдирга тан бераман-да... Сиздан ўтиниб сўрайман, қоним қикқанидан то қабрга қирғунимча бошимда турсангиз. Тобутимни Тошқенга олиб боргач, албатта яшиққа солиб, «томошага» қўясизлар. Улардан олдин юғиб-тараб, қафанлиққа ўранглар. Қунугим қикиб ётмасин... Тезликда Қўқон яқинида Оққўргонда турадиган устозим Мухаммаджон қорини қакиртириб қелинг. Қанозада имомлиққа ўша қиши ўтсин. Қабристонга борганда яшиқдан олиб, қийимларимни ечиб, қафан билан лаҳадга қўйинглар. Елкам, танам Тошқентимиз туқроғига теғиб ётсин..."

Мен бу васиятни хотирам қуввати даражасида эслаб қогозга туширдим. Янглишлар бўлса, Аллоҳдан қечирим сўрайман. Қани эди, бу васиятни Шухрат ақанинг ўзлари ёғиб қолдирганларида, бор ҳақиқат янада равшанроқ бўларди. Афсус, 1987 йиллар

шароитида бу ишни килиш асло мумкин эмас эди.

Шухрат ака устоз васиятини тўла-тўқис адо этишга эришди.

Мархумнинг тобути Тошкентга, ўз хонадонига келтирилгач, ҳукумат вакиллари видолашувга келади. Бош рахбар Кибриё опага ҳукумат номидан таъзия изхор килиб, ундан: "Абдулла ака бизга кандок топширик бердилар?" деб сўрайди. Кибриё опа ўз дардини айтади, сўнг Шухрат ака адибнинг васиятини баён килади. Бош рахбар унинг сўзларини эътибор билан тинглайди-ю, вазият тақозоси бўлса керак, ҳеч нарса демайди. Шухрат ака бу сукутни розилик аломати деб тушуниб, енг шимариб ишга киришади.

Кабристондаги дафн маросимига кутилмаганда ҳукумат раҳбарлари ҳам етиб келади. Одатдагидек, митинг бўлади, видолашув нутқлари айтилади, энг хаяжонли дил сўзларини Шухрат ака айтади. Раҳбарият қабр бошида турганига қарамай, қабанланган майит яшиқ тобутдан олиниб лаҳадга қўйилади, қабрга тупрок тортилиши билан Мухаммаджон қори тиловат килади. Қуръон оятлари қабристон узра таралади. Шу воқеаларга, мана, бир кам қирк йил бўляпти. Ўша дақиқаларда адибнинг устози овозида янграган Қуръони қарим оятлари садоси ҳамон қулогим остида жаранглаб тургандек. Мана шу оятлар устоз руҳига қиёматга қадар ҳамроҳ бўлиб боришини Яратгандан сўраб қоламан.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор